

Ушбу сонда:

2 Қонун барчага баробар ТАДБИРКОРГА КИМ ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЯПТИ?

3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

4 ТАЛАБА БЎЛМОҚЧИМИСИЗ? унда академик лицейда ўқинг



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 10 июн, сешанба № 89 (1514)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

**Хабар қилинганидек, 4 июн кuni Оксаройда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**

Мажлисида 2003 йил 7 феврал кuni ўтказилган Хомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг баҳарлиги, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғармининг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларни, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-канални спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Куйда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.

Авалло, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баёнининг баҳарлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шохобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан

ишлаб чиқилгани таъкидланди. Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётди.

«Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимлариغا бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий кадрлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган. Кийимлар дизайнининг жаҳон андозаларини даражасида ишлаб чиқишишни таъминлаш мақсадида режалар белгиланган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура ва махсус сиртки бўлимларида болалар спортини ўқитиш ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақвирлар ишлаб чиқилган.

Мажлисида жойлардан бадиририлган тақвирлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғармининг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларни тайёрлагани, хомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди

раҳбарлар ўта муҳим, милли-тимиз келажаги билан бевоқифа болган бу улғувор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаси қараш, расмийлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдига турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлиқ эътибор берилмапти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидagi жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалқашликка йўл қўйилаётди. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғармининг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги уқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдига турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойилик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётди.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарли шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, кишлоқларда жойлашган ўқув юрталарида ҳафта давомидagi спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджет жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шарти билан тасдиқланди.

Хомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июл мuddати билан тўпланган валюта ҳажмини хомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилгани қайд этилди.

Жамғармининг 2004 йилга мўлжалланган бюджетидagi миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва молия вазирлиги М.Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябрда тақвир қилиниши белгиланган бўлиб, Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазирлиги М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздавархитектурилиш» қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиши мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ тақвирларни уч ҳафталик мuddатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш учун қиритиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказига болалар спортини ўқитиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан мунтазам равишда шуғулланаётган 6-17 ёшдаги болалар сонини ҳақидаги аниқ таҳлилга асосланган тўлиқ маълумотни икки ҳафта мuddат ичида тақдим этиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг тиббий шароитидан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спорт турларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тақвирлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳ-

ри ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан умумий фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой мuddатда тақвирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилиш баёнида қайд этилганидек, Болалар спортини иншоотларининг қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Жамғарма ҳузурида қурилиш объектлари дирекцияси ташкил этилиши мақсада мувофиқ, деб топилди.

Дирекция зиммасига Хомийлик кенгаши тасдиқланган қурилиш иншоотлари рўйхати асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқа тегишли вазифалар юклатилди. К.Тулаганов уч ҳафта мuddатда Дирекция тузилмаси ва Низоми ишлаб чиқиб тасдиқлашни ва бир ой мuddатда унинг таркибини малакали кадрлар билан тўлдирини таъминлаш зарурлиги белгиланган бўлиб, Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазирлиги М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги Кенгаши раиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур масала бўйича 2003 йил учун тасдиқланган қурилиш ва таъмирлаш дастури асосида ташкилий чора-тадбирларни белгилаш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда тендерлар ўтказиш йўли билан танлаб олиш, қурилиш объектларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тиббий хусусиятларини инобатга олган ҳолда қурилиш ишларини ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгилаш ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юклатилди.

Молия вазирлигига барча қурилиш ишларини Жамғармининг тасдиқланган бюджет асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган харажатларни белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикасида болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар маълумланди. Барча вилоятларда «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимлари кўргазмаларини ўтказиш ва бу кўргазмалар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёри-

тиш зарурлиги қайд этилди. Бу борада икки ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тақдим этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга топширилди.

Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎА, Бошқа оммавий ахборот воситаларига болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилди.

Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзтелерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш тўғрисида» қарор лойиҳасини бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига қиритиш лозимлиги таъкидланди.

Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага иxtисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш чора-тадбирлари кўзда тутилгани зарур.

Ушбу баён ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тулаганов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши раиси, Президент Ислам Каримов тасдиқлаган ушбу йиғилиш баёни яна бир бор шундан далолат берадики, мазкур Жамғарма фаолияти ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг гоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишини том маънода таъминлашга, энг муҳими, бу борада ушбу интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилгандир.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН - БМТ: ҲАМКОРЛИҚДА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

10 июн кuni БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда фаолият бошлаганига 10 йил тўлади.

1993 йили мамлакатимизда дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти - БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ушундан буён мустақил Ўзбекистон ушбу ташкилот ҳамда унинг ҳузурида фаолият юритувчи муассасалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда, айниқса, БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорлигимиз алоҳида ўрин тутди.

Тараққиёт дастурига 1965 йили асос солинган бўлиб, ҳозир у БМТнинг ўттиздан ортиқ халқаро ва минтақавий муассасалари орқали 150дан зиёд мамлакат билан аҳоли турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий тараққиёт йўлида ҳамкорлик қилади. Шу боис бу дастур қисқа даврда йirik халқаро тузилма мақомини олди. У айниқса ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий турли соҳаларини раванг топтириш, тиббий захиралардан умумий фойдаланиш учун техникавий кўмак бериш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Тараққиёт дастурининг фаолият қўлими жуда кенг. У қатор мамлакатларга мутахассис жўнатмоқда, кадрлар тайёрлаш, замонавий техника билан таъминлаш, тиббий захираларни ўрганиш, иқтисодий режалаштириш, лойиҳаларга сармоя жалб қилишни рағбатлантириш бўйича кўмак бермоқда.

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаларини молиялаштиришни ҳамкор мамлакатлар ҳуқуқати билан биргаликда амалга оширади. Айни пайтда дунё бўйича мазкур дастур кўмаги билан ҳаётга жорий қилинаётган лойиҳалар сонини олти мингдан ошириб кетган. Бу лойиҳалар кишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик, мелiorация, сув таъминоти, атроф муҳит муҳофазаси, энергетика, об-ҳавони ўрганиш, санoат, шаҳар ҳўжалиги, маориф, транспорт, алоқа, жамоат ташкилотларини бошқариш, савдо ва молиявий ривожлантириш каби қўллаб-қувватловчи лойиҳаларни кенгайтириш йўли билан ушбу жараёнда янада фаолроқ иштирок этишига кўмак берилмоқда.

Мамлакатимизнинг БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлик қила бошлаганига энди ўн йил тўлганига қарамай, бу муносабатлар Ўзбекистон тарихига алоҳида саҳифа билан қиради. Зеро, дастур доирасида мамлакатимизда қўллаб-қувватловчи лойиҳалар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. БМТнинг мазкур дастури доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган иншоотлар жараёни қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш йўли билан ушбу жараёнда янада фаолроқ иштирок этишига кўмак берилмоқда.

Тараққиёт дастури доирасида Ўзбекистонда маданият, спорт, таълим соҳаларида қатор лойиҳалар ҳаётга жорий қилинаётди. Шуниси диққатга сазоворки, дастур доирасидаги тадбирларнинг аксариятига ёшлар жалб этилмоқда. Масалан, ўтган йили БМТ ваколатхонаси хомийлигида мамлакатимизда теннис бўйича мусобақа уюштирилди. Бу турнир «БМТ билан ғолиб бўл» номини олиб, халқаро мақомга эга бўлди.

Ёшлар ҳусусида гап катар экан, БМТнинг мазкур дастури доирасидаги ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларини айтиб ўтиш жоиздир. Бу тадбирлар ҳам давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Маълумотларга қараганда, МДХ мамлакатларида ОИТС билан хасталаниш, асосан, ёшларнинг гўнхўванд моддалар истеъмол қилиши натижасида кўпаймоқда. Мазкур соҳада аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдек долзарб вазифани баҳарийда БМТ Тараққиёт дастурининг ҳиссаси катта.

БМТ Тараққиёт дастури билан мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорлиги мустақил Ватанимизнинг сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига йўл қўймайлик, демократияни мустақамлаш борасида БМТ амалга ошираётган ишларда фаол иштирок этаётганидан бир далолатдир.

Сайдмурод РАХИМОВ, ЎзА шарҳловчиси



«Қувасой чинчиси» хиссадорлик жамиятида кундалик маънавий мақсадларга мўлжалланган шарҳона бўмлар - пилеа, лаган, чойнак, тақсимчалар ишлаб чиқаришмоқда.

Хусусан, «Байрам», «Сўғдиёна», «Орзу», «Шарк фантазияси» чинчи тўпчалари, «Гулнор», «Табассум», «Махлиб» ва «Зилола» каби эскилик соғловлари нафислиги билан ҳамма хайрдоғдир.

Хиссадорлик жамияти бу йил 15 миллион 175 минг дондан ортиқ чинчи бўмлар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Қорхона маҳсулотлари халқаро кўргазмаларда муносиб баҳоланмоқда.

Суратларда: моҳир ишчилар М.Эргашева, Х.Хусанова ва М.Тешабоева.

М.КОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

**Мен бу аёлни Қизилтепа туман прокурори қабулхонасида ноҳуш қайфиятда учратган эдим. Ушунда Тасқира туман тиббий бирлашмаси бош ҳакими ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақтлари учун ҳақ тўлаш, етказилган маънавий зарарини қоплаш ҳақидаги суд қарорини бажаришдан бош тортаётгани ҳақида куйиб-ёниб гапирган эди.**

Орадан бир ҳафта вақт ўтиб воқеанинг кейинги ривожини билан қизиқиб касалхонага бордим. Хайрат, туман прокурори Абдирахмат Болтаев аралашувида сўнг ҳақиқат қарор топибди. Ҳўш, аслида Тасқира нега ишдан четлатилди, сарсон-саргардон қилинди. Идорама-идора юриб, адолат қидирди. Охир-оқибат иш судга бориб етди. Ҳозир гап мана шу ҳақда.

Маълум бўлишича, Тасқира Хамроева ишлаётган дорихона 1994 йилда вилоят «Доридармон» ДАЖДан Қизилтепа туман тиббий муассасалари

бирлашмаси ҳисобига ўтган. Бирлашманинг 2002 йил 5 ноябрдаги 98-сонли буйруғи билан унинг иш ўрни қисқартирилган. Дорихона иш ҳажмининг кемайиши сабабли бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланиш учун шундай қарорга келинган. Тасқира Хамроева ўтган йилнинг ноябрдаги йиғилишда бу ҳақда оғохлантирилган. Шу йилнинг 5 январидан, тўғрироғи орадан ронпа-роста икки ой ўтгандан сўнг унга меҳнат беришга муражаат қилиши лозимлиги уқтирилган. Шунингдек бирлашма бош ҳаким

## ХОДИМ ВАЗИФАСИГА СУДДА ТИКЛАНДИ

Ўринбосари томонидан бирон бир бўлимда хизматчи бўлиб ишлаш мумкинлиги ҳам айтилган. Гўё ҳаммаси рисоладагидек. Бироқ Т.Хамроева бу тақвирларни рад этиб, ҳақ-ҳўқуқларини тиклашни сўраб тармоқ туман ва вилоят касаба уюшма кўмиталарига муражаат этди. Таассуфлар бўлсинки, Тасқиранинг мазмурият томонидан ўрнини қисқартиришда меҳнат қонунларига зид равишда иш стаж кам, малака ошириш курсини тугалламаган, мутахассислиги бўйича тоифа олмаганлар эътибордан четда қолдирилгани каби ҳақли эътирозлари жавобсиз қолди. Текширишлар юзаси ўтказилиб, қонун бузилишига нисбатан амалий чора кўрилмади.

Аслида эса туман тиббий муассасалари бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси М.Бекназаров суд мажлисида дорихона штат бирликлари, шу жумладан Т.Хамроеванинг иш ўрни қисқарганини у муражаат қилгандан кейин билганини ай-

қисми 1-бандига кўра бекор қилинган. ЎзРМКнинг 102-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сонини (штати) ёки шу хусусиятларнинг ўзгари-

шартига солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақидаги қарорининг 16-, 17-бандларида ҳам кўзда тутилган ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинган-олинмаганигига, ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида ёзма равишда оғохлантирилганлигига алоҳида эътибор қаратиш кўрсатилган.

Суд ЎзРМКнинг 111-моддаси 1-қисмига кўра Т.Хамроевани аввалги вазифасига тиклаш, ЎзРМКнинг 112-моддаси 1-қисмига кўра мажбурий бекор юрган вақтлари учун туман тиббий-муассасалари бирлашмасидан 61 минг 753 сўм иш ҳақи ундириш, етказилган 34 миң

628 сўм маънавий зарарини қоплаш ҳақида қарор чиқарди. Ҳўш, аслида иш судга етиб бормаслиги, масала касаба уюшма аралашуви билан меҳнат қонунлари асосида жойида ҳал этилиши ҳам мумкин эди. Афсуски, касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги тўғрив олинган, улар билан тузилган меҳнат шартномаларига шунчаки расмийтат учун тузилдиган ҳўжжат, деб қараладиган баъзи муассасаларда шундай ноҳуш ҳолатлар юзасида келмоқда. Ишловчиларнинг қонунда белгиланган ҳўқуқларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаларининг томошабини бўлиб қолаётганига нима дейсиз?

Ишловчи САРИЕВИ, «Ишонч» мухбири

### Мухбир нуқтаи назари

тади. Бу ҳақда бош ҳаким билан гаплашганида, у буйруқни бекор қилмаслигини айтганини, холбуки, штат қисқартирилиши касаба уюшма қўмитаси билан келишилмаганини, унинг розилиги олинмаганини баён этган. Кизиги шундаки, давьорга билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-

шига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганига ёхуд қорхонанинг тугатилиши муносабати билан бекор қилинганда каммида икки ой олдин ходим ёзма равишда оғохлантирилиши шарт, деб кўрсатилган. Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли «Судлар томонидан



Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ТУНГИ НАВБАТЧИЛАР УЧУН

Касаба уюшмалари - меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячиси...

лоқ врачлик пунктларида мумамалиёт курсини ўтаб келган 20 нафар врач ва ҳамшираларимизнинг иш ҳақларига 50 фоиз кўшимча ҳақ тўланмоқда.

Узун туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда 2002-2004 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини имзолаганмиз. Бундан асосий мақсад тизимдаги мавжуд 8 та қишлоқ врачлик пунктлари, 23 та ФАП ҳамда марказий шифохонада аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган 2217 нафар тиббиёт ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш. Ҳамда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногирон ва қариялар, ёрдамга муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлашдир.

Шунингдек, ҳар орақда ва байрамларда ходимларга бир ойлик маош миқдорида мукофот пули берилади. Бундан ташқари уларнинг бир нечасига ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан «Чинобод», «Сурхон» сихатгоҳларига йўлланма ажратилди. 15 нафар ходимларга эса «Хонжиза» дам олиш уйига йўлланма берилди.

Байрамларда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, касалланган оилалардан ҳабар олиб, уларга совғалар улашамиз. Футбол мусобақасида тиббиёт ходимларидан ташкил топган жамоамиз туманда I-урини эгаллади.

Касаба уюшма кўмитамиз ташаббуси билан ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним меним» кўрик-танловда туман Марказий шифохоналарининг туғруқхона ва умумий жаррохлик бўлимлари ўзаро беллашдилар. Голибларга 50 минг сўм мукофот берилди.

Ҳақим ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишга 27 нафар ходимларимиз бордилар.

Хуллас, Узун туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда.

Бу аҳоли саломатлигини янада яхшилашда хизмат қилмоқда.

Холбозор АБДУНАЗАРОВ, Узун туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси

Муаммо ва ечим

Бир неча бор туз олиб, чўв тушган Радик Абзалиловда бу борадаги муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш истаги тугилди.

Кўпчилик уни бу фикрдан қайтаришга уринди. Ногирон бўлсанг, бу ишнинг уйдасидан чиқолмайсан, дея маслаҳат берувчилар ҳам топилди. Ҳақ ушбу бўлган Ногиронлар жамияти уни қўллаб-қувватлашини билдирди холос. Қатъиятли йигит кўп уринди. Ахир ўша дамлар бозорларда, пана-пасткамда сифатсиз туз савдоси қайнарди. Худудда йодланган туз ишлаб чиқаришга мослашган бирор корхона йўқ. Шу боис бу маҳсулотга талаб катта эди.

«ОЛГА БОС» ТУЗ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА

Узоқ изланишлар маҳсули сифатида очадиган корхонаси, тузни қайта ишлаш шохбатида келадиган фойда-ю, йодланган ош тузининг инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни акс этган лойиҳа тайёр бўлди.

Банк мутасаддилари хусусий корхона истикболини кўра билишди. Шу боис ҳеч иккиланмасдан 50 миллион сўм миқдордаги кредит маблағи ажратилди.

Шу таҳлилда «Олга бос» деб аталган, Сирдарё воҳисидида сифатли туз ишлаб чиқарувчи илк корхона ташкил топди. Бу ерда эгуи ниятини дилига жо этган фидойилар эл маъмуричилиги йўлида тер тўқмоқда. Корхона «Қорақалпоқ» корхонаси билан муштаҳам алоқа боғлаган. Қазиб келирилган тузни қайта ишлаб, қадоклаб истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Катта ишга қўл уриш осон кечмайди, - дейди Радик Абзалилов. - Чунки бизга ўз маҳсулотимизни харидорларга етказиш ҳам осон кечмайди. Шунинг учун истеъмолчилар талабини инобатга олиб, улар учун фақат сифатли ош тузи ишлаб чиқариш пайди бўлаётган. Корхонамизда ишловчилар ва биз билан ҳамкорлик қилувчилар сафини анча кенгайтирдик.

Эндиликда юздан зиёд киши иш билан таъминланди. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи бир жиҳати шундаки, йодланган туз шифобахшлиги билан миллионлаб кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Вилоятнинг аксарият савдо дўконларида бугун, «Олга бос» тамғаси туширилган қадокланган тузга кўзингиз тушади. Аҳоли ҳам бу маҳсулотни сўйиб харид қилишга оdatланиб қолган.

Корхонада қайта ишланиб, қадокланаётган туз сифати бизга жуда маъқул, - дейди тadbиркор Аваз Эргашев. - Шу боис оиламиз билан фақат ана шу тузни истеъмол қилишга odatланганмиз.

Дарҳақиқат, қўллаб умумий овқатланиш корхоналари, соғлиқни сақлаш тизими, мактаб ва боғчаларга арзон, сифати кафолатланган туз етказиб берилмоқда. Корхонада миҳозлар талаб ва тақлифлари ҳам албатта инобатга олинади. Топилган даромад ишчиларни моддий жиҳатдан таъминлаш, ногиронларга кўмак кўрсатишга йўналтирилмоқда.

Т.ХАЙТБОВ



Мустақиллик шарофати

туфайли мамлакатимизда тadbиркорликка кенг йўл очилди. Кўпгина ёшлар шу имтиёз туфайли ўз бахтларини топмоқдалар. Қарши туманидаги «Ертепа» қишлоғида ўз маблағи ҳисобидан тикув цехи очиб маҳаллий ёшларни ишга жалб этаётган тadbиркор Олия Равшанова ҳам шундай инсонлардан.

Суратлар: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар

Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тadbирлари тўғрисида»ги қароридан ўрин-йўлнинг иштирокчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Уфқ билан тутатиб кетган галлазор саратон шамолида оҳиста чайқалади. Деҳқон меҳнати билан етилган олтин бошоқлар одамни ўзига тортади. Ҳосили бўлиқ галла пайкаллари, бепоян кенгликлар бағрида кемадай сузиб юрган қудратли комбайнлар... Эндигина 31 баҳорни қаршилаган Мардонкул Холиқовнинг ёшлиғи далада ўтган. Мана ўн бир йилдирки, у тракторчилик қилмоқда. Олти йилдан бери «КЕЙС» комбайнини бошқаради. Меҳнатсеварлик, касбига садоқат, инсонийлик туйғуларни отаси Карим бобо Холиқовдан ўтган. Падари бузуқровори Деҳқонободнинг Хўжамаҳмуд қишлоғидан келиб, Қарши чўлини ўзлаштиришга қатнашганлардан. Нишон туманидаги «Самарқанд» жамоа

монидан таъсис этилган бош мукофотни кўлга киритди. Мавсумда энг юқори натижаларга эришганлиги учун унга УАЗ энгил автомобили тантанали равишда топширилди. - Юксак мукофот янги марраларга чорлади, - дейди у. - Шу боис бу йилги мавсумда камиди 2300 гектар майдондаги ҳосилини ўриб олишга аҳд қилдим. Фидойи меҳнат - даро-

тар майдоннинг галласини ўриб бериш учун шартнома тузганимиз, - дея сухбатни давом эттиради. Нишон туман машина тракторпарки ҳиссасдорлик жамияти раиси Раҳматулла Чўлиев. - Бошоқли дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан сифатли ва қисқа муддатларда йиғиштириб олишга қаратилган аниқ тadbирлар ишлаб чиқилган. МТП жамоаси деҳқонлар-


операторга 50 минг, 150 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олган комбайнчига 30 минг сўм пул мукофоти берилди. Мавсум охирида голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Қарши даштида янгида ташкил топган Хўжамаҳмуд қишлоғининг «Меҳнатобод» маҳалласида 46 оила яшайди. Уларнинг ҳаммаси тоғли Деҳқонободдан кўчиб келиб, янги маскан қуришди. Мардонкул Холиқовнинг 8 кишидан иборат оиласи бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Турмуш ўртоғи Марямхон, бир-биридан ширин жажжи фарзандлари Хуршида, Абдузамид, Абдусайд ва Мафтуналар оталарининг даладан келишини орякиби қутшади.

Мардонкул ҳамкасблари Салим Примов, Аҳмад Тоғайкулов, Рустам Худойбердиев, Бахтиёр Мейлиқуловлар билан мусобақалашиб, бошқарувдаги комбайни тўла қувват билан ишлатмоқда.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ОЛТИН БОШОҚЛАР МАВЖИ

ёки мукофотга «УАЗ» олган комбайнчи



Аҳмад Исмоилов каби ҳамкасблари билан бамаслаҳат иш тутди. Техника силларини ўрганиш бўйича ўтказилган ўқувларда қатнашди. Бултурги мавсумда «КЕЙС» комбайни бошқарувчиси М.Холиқов 2114 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиб, воҳа комбайнчилари ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Бункерлардан 4638 тонна галла тўқди. Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва касаба уюшмалари кенгаши то-

Қонун барчага баробар

Эркин иқтисодий фаолиятни кафолатлашнинг асосий шартларидан бири-молиявий мустақилликни таъминлашдир. Республикамизда бунга кенг имкониятлар берилган боис турли соҳаларда иш юритаётган тadbиркорлар умумий иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Лекин бу борада сунъий говлар ҳам пайдо бўлмоқда. Тadbиркорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаслик, аниқроғи етказиб берилган маҳсулот учун ҳақини кечиктириб тўлаш шўлар жумласидандир. Қайта ишлаш корхоналарининг шартномавий мажбуриятларни бажармаслиги тadbиркорларнинг молиявий имкониятларини чеклаб, ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

пади, на деҳқоннинг қосаси оқаришига йўл беради. Чунки ўзаро ҳисоб-китоблар тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилми, катта миқдордаги ўзаро қарздорликлар барҳам берилсагина, ислохотлардан кўзда тутилган мақсадга эришишимиз мумкин.

Талаб даражасида хизмат кўрсатмаслик, маҳсулот ҳақини вақтида тўламаслик каби тadbиркорга тўсиқ бўлаётган ҳолатлардан яна бири фермер хўжалиқларига ер майдонини белгиланган муддатда ажратиб бермаслик, ёки кам ўлчаб беришдир. Собиқ Гузълент (ҳозирги Пастдаргом) тумани ҳокими қарориди «Жамол-

лиги мутасаддиларини бу қизиқтирмайди. Туман солиқ инспекциясининг хатига асосан 6 ой фаолият кўрсатмаган юридик шахс «Латиф» шахсий дўкони фаолиятини тўхтатиш тўғрисида туман ҳокими 1998 йил 22 сентябрда қарор қабул қилди. Шу билан мазкур маसала ҳаммамнинг ёвдидан чиқади. «Латиф» шахсий дўконини тўлиқ тугатиш, давлат реестридан чиқариш тadbирлари амалга оширилмайдми. Бундай ҳолатда юридик шахс фаолиятни расман тўхтатилмаган, вақтинча фаолият юрит-

Туман солиқ инспекциясининг далолатномаси иқтисодий суд экспертизасига юборилганда, тadbиркордан ундириш учун қайд этилган қўшимча солиқнинг 33.417.400 сўми нотўғри ҳисобланганлиги аниқланган. Судда туман солиқ инспекцияси вакили бу далилни тас олмади. Аксинча, «Сайқал» МЧЖда 1999 йил 1 октябрдан 2002 йил 1 январгача бўлган даврда турли солиқлардан катта қарз борлигини рўқча қилди. Холбуки, бу қарзлар ундирилган. Бунинг учун туман солиқ инспекцияси томонидан 2002 йил 19 февралда тузилган 17-сон далолатнома асос бўлган. Лекин ушбу далолатномада кўрсатилмаган бўлса-да, қўшимча қиймат солиғидан кам ҳисобланган солиқ суммаси эвазига 100 фоиз жарима ундириш учун мажбурий тўлов топшириқномаси киритилган. Қизиғи шундаки, 100 фоизли жаримага тортиш ҳақида 2002 йил 27 февралда тузилган хулоса солиқ инспекцияси бошлиғи томонидан 26 февралда имзоланган.

Хуллас, солиқ инспекцияси ходимларининг маъсулиятсизлиги, ишдаги хатоси, чалқаш ҳисоб-китоблари оқибатида тadbиркорлар анча вақт йўқотишди, жуда кўп имкониятлардан фойдаланишолмади. Табиийки, тadbиркорларнинг қонуний маблағи суд қарори билан ўзларига қайтарилди. Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Солиқ идораси ходими каби хизматларга давлат манфаати учун унинг номидан иш юритиш ва қарор қабул қилиш учун ваколат, ҳуқуқ берилган экан, уларнинг жавобгарлиги даражаси ҳам шунга яраша юқори бўлиши керак.

М.МИРКАМОНОВ, Самарқанд вилоят хўжалик суди судяси

«ИСТЕЪДОД - 2003»

Улгайиб келаётган авлод ақл-заковати, истеъдоди ва иқтидорини тўла намоеън этишига имкон яратиш, ёшларни азалий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят кенгаши «Истеъдод - 2003» кўрик-танловини эълон қилган эди.

Мазкур тadbирнинг якуний босқичида барча туманларда голибликка эришган етмиш нафарга яқин ўқувчи иштирок этди. Улар миллий хунармандлик, тасвирий санъат, мусика, спорт ва бошқа йўналишларда ўз маҳоратини намойиш этди.

Паркент тумани 5-иштирослаштирилган лицей мактаб ўқувчиси Зоҳид Холлов ва чинозлик Марҳаб Мирзаахмедова «Нафосат», Чиноз тумани 1-мактаб 10-синф ўқувчиси Елизавета Цой «Санъат», Зангиота тумани 14-мактабдан Жамолддин Рихситиллаев миллий хунармандлик, Тошкент туманидан Шаҳноза Мирсоатова спорт йўналишлари бўйича олий соврин соҳиби бўлди.

(Ўза)

«Бекободнон»

масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчилари халқимиз дастурхонини энг азиз неъмат - нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда фидойилик билан меҳнат қилишмоқда.

УЧ СМЕНА ХОСИЯТИ

Уч навбатда ишлаётган 134 нафар ишчи бир кунда 16 тонна сифатли нон ва нон маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бермоқда. 15 та сотув дўкони, 2 та умумий овқатланиш корхонаси, 2 та ҳарбий қисм, шифохона, боғча ва хусусий корхоналар дастурхонимиз файзи бўлган маҳсулотлар билан таъминланмоқда. Норбой Холмирзаев, Хадича Урушова, Ўткир Абдуллаев сингари ишчилар, аинқисқа, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Самарали меҳнат учун барча шароитлар яратиб берилган, дейди илғор ишчи Толиб Ҳамроқулов. - Икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Бундан ташқари, меҳнатда ўрнатилган пул мукофотлари билан рағбатлантирилиб, турли байрамларда совғасаломлар улашиляпти. Саломатлигини мизни тиклаш мақсадида маъмурият ва касаба кўмитаси томонидан дори-дармонлар учун моддий ёрдам, сихатгоҳларга йўлланмалар берилмоқда.

Масъулияти чекланган жамиятнинг меҳрсавоҳат йўлидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Туман Нурунийлар жамияти, 2-бололар боғчаси ҳамда Янгийўл шаҳридаги Кўзи ожизлар жамиятига доимий равишда қўшимча кўмаги кўрсатиб келиняпти.

Айни кунда корхона ёнидаги ташландиқ бино таъмирдан чиқарилмоқда. Мақсад - янги иш ўринлари яратиш орқали корхона самарадорлигини оширишдир. Зеро, жамият раиси Тохир Носировнинг таъкидлашича, мазкур бино тўлиқ таъмирдан чиқарилгач, бу ерда қандолат ва печенье ишлаб чиқариш цехлари ҳамда савдо дўкони ишга тушириляди.

Улуғбек ЁДГОРОВ

ТАДБИРКОРГА КИМ ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЯПТИ?

Кўймўқда. Қишлоқнинг танти одамлари эса бу йил ҳам ваъдаларига ишониб, яна пилла курти боқишмоқда. Қишлоқ тadbиркорлари сервис хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмаслигиндан ранжиётганларидан жон бор. Тўғриси айтганда, катта бир механизм. Унинг биттагина халқасидаги нуқсонлар бошқа йўналишлардаги ишлар самарасига салбий таъсир қилиши аниқ. Бироқ айрим сервис тузилмаларининг раҳбарлари бунга инглаб етишмаяпти. Каттақўрғон туманидаги «Султонбобо» фермер хўжалиги дала-ер ишларини бажариб бериш бўйича туман МТП ДАЖ билан шартнома тузганди. Шерикнинг талабига кўра 122 минг 782 сўм пул ўтказиб беради. Шунга қарамай МТП томонидан фермер хўжалигининг бирорта дала ишлари бажариб берилмаган. Бунақа хизмат кўрсатуви ташкилотлар на ўзлари барака то-

маётган деб ҳисобланади. Тadbиркор туман ҳокими фаолиятини тиклаб беришни сураб ружолат қилди. Аммо масала ҳал этилмади. Унга суд қарори билан ечим топилди. Давлатнинг энг ишонган таянч идораси солиқ инспекцияси ходимларининг айрим ҳолларда ишга юзаки ёндошуви ҳам тadbиркорларнинг энсасини қотирмоқда. Зеро, ҳар қандай адолатсиз ҳаракатнинг салбий таъсири яққол сезилиб қолади. Самарқанд шаҳар Темирийўл тумани Давлат солиқ инспекциясининг буйруғига асосан «Сайқал» масъулияти чекланган жамиятда текшириш ўтказилган. Унинг натижасига кўра тadbиркордан 34.926.700 сўм қўшимча солиқ ва 100 фоизли жарима қўлланилиб, жами 71.963.700 сўм ундиришга қарор қилинган. Тadbиркорнинг банқдаги ҳисоб рақамига мажбурий тўловнома (инкасса) қўйилган.


Диёримиз улкан корхоналарида

«ШҮРТАННЕФТГАЗ» ДАНМИЗ

Юртимизда қазиб олинаётган нефт ва газнинг 95 фоизидан ортиги Қашқадарь воҳасидаги «Муборакнефтогаз» ва «Шўртаннефтогаз» унитар шўба корхоналари улушига тўғри келади. Қазиб чиқариш ҳажми бўйича «Шўртаннефтогаз» мамлакатда иккинчи, хомашёни қайта ишлаб, фойдаланишга узатиш бўйича эса биринчи ўриндалиги унинг қанчалик салоҳиятга эга эканлигидан дарак беради.

Иш фаолиятимиз «Муборакнефтогаз»дан маҳсулотни қайта ишлаш билан фарқ қилади, — дейди корхона раҳбари, Олий мажлис депутаты Олим Муродов. «Шўртаннефтогаз» йилига 20 миллиард метр куб нефт ва газни қазиб олади ва шунга миқдордаги хомашёни қайта ишлайди. Ушбу жараёнда ундан газ конденсати, тозаланган ва суюлтирилган газ, олтингургурт олинадилар. 2002 йилда корхонада 19,5 миллиард метр куб нефт ва газ қазиб олинди, қайта ишландилар. Шу билан бирга «Шўртангаз» мажмуини хомашё билан узлуксиз таъминлаб туришга эришдик. Маҳсулотларимиз мамлака-

болнинг биринчи лигаси қатнашчиси «Шўртан» футбол клуби учун барча шароитлар яратиб берилган. Мухандис-техник ходимлар ва ишчи хизматчиларнинг нафақат юксак унум билан ишлашлари, балки маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ишчиларнинг келиб-қетишлари учун махсус автотранспорт воситаси ажратилган. Корхона ҳузуринда ошхона ишлаб турибди. Маданият саройида концерт, турли кўрсаткичлар тадбирлар уюштириш одат тусига кирган. Спорт мажмуида турли мусобақалар ўтказиб борилмоқда. Маънавият ва маъ-



рифат жонаси, кутубхона, савдо дўкони улар хизматчида. Ишчи-хизматчилар жамоа транспортдан ҳам имтиёзли равишда фойдаланишади. Турли байрамлар жамоада зўр тантана билан нишонланади. Илгорлар доим рағбатлантириб борилади. Корхона маъмурияти Республика 1-клиникаси, вилоятдаги 2-шифхона, «Семурғ», «Косонсой» шифохоналари билан ўзаро шартнома имзолаган бўлиб, ҳар йили юзлаб кишилар маъмури шифо масканларида соғлиқларини тиклаб қайтмоқдалар.

Жорий йилда барча соҳаларда ўсишни таъминлаш режалаштирилган. Хусусан, юқори сифатли ва имкон қадар арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратишмоқда. Илганлилар самараси ўлароқ, корхона қошида Исроилнинг «Beutman» компанияси билан ҳамкорликда қуриладиган сиқув-компресор станцияси ишга туширилади.

«Шўртаннефтогаз» — мамлакатимизда ўзига хос маънага эга бўлган йирик саноат корхонаси. У мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис «Зангори олов» жиловкорлари ушбу дондор корхонада меҳнат қилаётганлигидан ҳақли равишда фахрланишар.

Ҳамид ПИРИМКУЛОВ

Фафур Абдураҳимов суд ижроси сифатида фаолият бошлаганида 16 ёшлик ўсмир эди. У ўта тиришқок, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, иқтидорли ходим сифатида назарга тушди. Соҳа мутасаддилари тавсияси билан юридик институтга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Сўнг прокуратура органларида турли вазифаларда ишлади. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликни фош этиш бўйича амалий тажриба тўплади. У илм сирларини чуқур эгаллаш, соҳага оид адабиётларни муттасил мутлолаа этиш муҳимлигини яхши англади. Шу боис 1957 йили ҳозирги Санкт-Петербург давлат университети аспирантурасига кирди. Илмий тадқиқотларини кўнгилдагидек аяқлаб, юридик фанлари номзоди илмий даражасига сазовор бўлди.

Хуқуқшунос олим Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва хуқуқ институтида илмий ходим, катта илмий ходим, сектор мудири вазифаларида фаолият кўрсатди. Уша йиллари атоқли олимлар Хадича Сулаймонова, Малик Ҳақимов, Отабой Эшонов қабиляр унга яқиндан ёрдам бердилар. Домла қайси вазифада ишлаганини изланиши давом эттирди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси сифатида фаолият юритганида хуқуқ илмига оид кўпданкўп мақолалар, кўланмалар ёзди. Неча йилдирики, фидойи инсон республика Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори сифатида халқимиз хуқуқий саводхонлигини ошириш, бош Қомус — Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятини одамлар онги шуурига чуқур синдириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Таъкидланганидек, илмий изланиб, креминалистика тизими ва тергов ўтказиш услублари мавзусида номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бу тадқиқотлар эндилик-

ХУҚУҚ ИЛМИНИНГ ФИДОЙИСИ

да амалиётда кенг қўлланилмоқда. Олимнинг мақолалари, рисоалари ҳамда монографиялари хуқуқшунос мутахассис кадрлар тайёрлашда асос қўлади. Таъкидлашчи, илмий мақолалари, рисоаларию тақризлари сони 317 тани ташкил этиди. Улар юридик адабиётлар соҳасининг катта бир бўлагини ташкил этади. — Домланинг аjoyиб фазилатларидан бири ўзгаларни кўллаш, ёшларга мададкор бўлишидир, — дейди фан номзоди, доцент Абдураҳимов Курбанов. — Бирон мақола ёки кўланма хусусидаги фикрини билиш учун хузурига кирсангиз уни ўша кунгидек ўқиб чиқиб, ўз фикрини айтди. Тегишли манбаалардан ёрдамлашди. Ўзининг ҳар бир ёзган мақоласи гоёта долзарб, тахлилга бой бўлганлиги

ушун оммавий ахборот воситаларидан нумтазам равишда бюортмалар бериб туришди. Бундай инсонлар тажрибаси биз учун катта бойлиқдир. Домла Ўрта Осиё халқлари тилларини мукамал ўзлаштирган. Ўрни келса, рус, тожик, қирғиз тилларида ҳам мулоқот қила олади. Фафур Абдураҳимов кўплаб шогирдлар тарбиялаб, уларни илм фаннинг катта йўлига олиб чиқди. Қаранг, мамлакатимизда юридик мавзуда ёқланган 33 докторлик,



Фаоларимиз

Назира Абдуазизова эса тарих фанлари доктори, профессор. Эндиликда Фафур ака олимлар сулоласининг аъналарининг давом эттириб, мустакил Ўзбекистонимизда хуқуқшунослик фанининг ривожланишига, қонунларимиз мукамал бўлишига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Кувончлиси шуки, етук олим, моҳир мураббий ўзининг 75 ёшини куч-ғайратга тўлган, катта орзулар билан яшаётган бир шароитда кутиб олмади. Ҳаётдаги катта бахт — бу олган интилиш, дея таъкидлагани таъкидлаган. Олим раҳбарлик қилиб келаётган марказ кейинги йилларда Конституциямиз ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мазмун-мо-

ҳиятини оммага кенг тушунтириш бўйича амалий ишлар, тадбирларнинг изчил ўтказиб келмоқда. Бунинг учун етук мутахассислар, хуқуқшунослар жалб этилган. Вилоятлардаги минтақавий бўлимлар ҳам тажрибали юристлар ҳисобига мустаҳкамланган. Фафур Абдураҳимовнинг юридик фани ривожига қўшган катта ҳиссаси ҳамда кадрлар тайёрлашдаги фаолияти юксак қадрлиб, у «Шавкатли меҳнати учун» медалли, «Шуҳрат» медалли, «Хурмат белигиси» ордени билан тақдирланган. 1987 йилда эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига мушарраф бўлди. Ҳа, хуқуқ илмининг устаси ҳаётда нурли из қолдириб яшаётган бахтли инсонлардан биридир. Содик МУМИНОВ

ИШЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бекобод шаҳридаги «Сарбон» автокорхонасининг 500 нафар ишчи-хизматчилари нонни 40 фоиз арзон нархда сотиб оладиган бўлиши.

— Ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнати оғир ва масъулиятлидир, — деди Тошкент вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги қасаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Жўрабеков. — Ижтимоий ҳимоя ҳар доим хуқуқимизни сиёсатнинг асосий йўналиши бўлиб келган. Ҳар бир ташкилот ишчи-хизматчиларини ўз имконияти даражасида қўллаб-қувватлаши лозим. Бу борада қасаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Биз ҳам ходимларимизга енгиллик яратиб меҳнат қасабасида бепул тушлик ташкил қилганимиз. Шунингдек, корхонамизда меҳнат қилаётган аёлларнинг маоши тўлиқ сақланган ҳолда иш вақтлари бир соатга қисқартирилган. Умида БОЛЛИЕВА

Саволларингизга Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма қўмитасининг хуқуқшуноси Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради

САВОЛ: 1. 2003 йил 2 апрелдан ўқитувчиларнинг, ўқув юрти муаллимларининг иш ҳақларини 1,2 фоизга кўпайтириш ҳақида Фармон чиқди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

2. Коммунал хизматлардан кимлар имтиёзли фойдаланишлари мумкин?

3. Маданият бўлимида ишлаган, икки ёшгача бола тарбияси нафақасида бўлган аёлларга берилмайдиган ва шу ташкилотда ишлаётган I, II, III гуруҳ ногиронларига берилмайдиган нафақалар кечкириб тўланмоқда. Ҳазиначи олий иш ҳақларини тарқатиб бўлганидан кейингина нафақаларни бера болайди. Шу тўғрисида, Т.АЗИМОВА, Жизнас вилояти ЖАВОБ: 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги Фармонида мувофиқ 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, барча турдаги пенсиялар ва нафақалар, стипендиялар 1,2 баробор ошди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги VII-3227 сонли иловасининг 5-бандига мувофиқ мактабдан ташқари корхоналарда ишловчиларга ҳам уй-жой коммунал хизматларидан имтиёзли фойдаланиш хуқуқи

берилган. Бироқ бундай шахслар педагогик маълумотига эга бўлишлари шарт. 3. Сиз кўтарган масала давлат ижтимоий сўғурта бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ нафақалар пенсия жағмараси маблағидан тўлашни сабабли олийк маошга хусусийлаштириш учун яшаш жойингиздаги туман ҳокимлигининг уй-жой бўлимига мувофаа бўлиминдан маълумотнома, ариза билан мурожаат қилинг. Улар сизга ўрни бепул хусусийлаштириш маънаси хал қилишда ёрдам беришади. САВОЛ: мен болалик-

нинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунига мувофиқ Сизга болаликдан ногиронлик пенсияси тайинланиб, тўлаб келинган. Лекин III гуруҳ ногиронларининг пенсиясини қайта ҳисоблаш учун кетма-кет келган беш йиллик иш ҳақини ўзининг истикомат қилаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига топширишингиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонида мувофиқ айрим имтиёزلарга эга бўлган пенсияонерлардан ташқари, қолган барча пенсионерларга 50 фоиз миқдорда пенсия иш жойидан тўланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1-апрелдаги Фармонида кўра, I, II гуруҳ болаликдан ногиронларга 10765 сўм қилиб белги-ланган. Лекин III гуруҳ болаликдан ногиронларга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319 сонли қарорига кўра пенсия тайинлаш назарда тутилмаган. Шунинг учун бу тоифа фуқароларининг нафақаси қайта ҳисобланмайди ва уни олдинги тўлаб келинаётган миқдорда тўлаш давом эттирилади.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ҳеч қандай алоқаси йўқ. САВОЛ: турмуш ўртоғим 1981-1983 йилларда Афғонистонда ҳарбий хизмат бурчини ўтаган. Биз ҳозир ташкилотга тегишли бўлган уйда яшаб келмоқдамиз. Шу ташкилот биздан ўзини хусусийлаштириб олишни талаб қилипти. Бу борада байналмиал жангчиларга қандай имтиёзлар бор? Н.ҲАЙИТОВА, Нишон тумани ЖАВОБ: Сиз турмуш ўртоғингизнинг Афғонистон республикасида ҳарбий хизмат ўтаганини тўғрисидаги барча ҳужжатларни жамлаб

дан ногиронман. 1954 йилда туғилганман. 1994 йил январ ойида мени III гуруҳ ногиронлигига чиқаришди. Ҳозир ўрта мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Ойлик маошим 13330 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари 2300 сўм нафақа оламан. Шу тўғрисида? Менинг касаллигим бўйича (касалик ва рақасидан кўчиргани ило ва қиламан) II гуруҳ нафақасига чиқиш мумкинми? Ф.МАМБЕТОВА, Китоб тумани ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар-

нинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунига мувофиқ Сизга болаликдан ногиронлик пенсияси тайинланиб, тўлаб келинган. Лекин III гуруҳ ногиронларининг пенсиясини қайта ҳисоблаш учун кетма-кет келган беш йиллик иш ҳақини ўзининг истикомат қилаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига топширишингиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонида мувофиқ айрим имтиёزلарга эга бўлган пенсияонерлардан ташқари, қолган барча пенсионерларга 50 фоиз миқдорда пенсия иш жойидан тўланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1-апрелдаги Фармонида кўра, I, II гуруҳ болаликдан ногиронларга 10765 сўм қилиб белги-ланган. Лекин III гуруҳ болаликдан ногиронларга Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319 сонли қарорига кўра пенсия тайинлаш назарда тутилмаган. Шунинг учун бу тоифа фуқароларининг нафақаси қайта ҳисобланмайди ва уни олдинги тўлаб келинаётган миқдорда тўлаш давом эттирилади.

ЮРИДИК КЛИНИКАДА талабалар фаолият кўрсатишмоқда

Мамлакатимиздаги олий-гоҳлар орасида Тошкент Давлат Юридик институти ўз нуфузи, салоҳияти билан алоҳида ақрлиб туради. Бинобарин, буғунги кунда олийгоҳда бир нафар академик, 18 нафар профессор ва 90 нафар доцент фаолият кўрсатяпти. Улар томонидан таълим жараёнига илгор педагогик технологиялар жорий этилиб, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, шунингдек, жамиятда юксак хуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш борасида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Институтида ҳозирги пайтда иқтидорли юридик клиника муваффақият билан фаолият кўрсатяпти. Аҳамиятли жиҳати шундаки, халқаро СОРОС жағмараси ҳамда АҚШ давлат департаменти билан ҳамкорликда ташкил этилган маъмури клиникаларда иқтидорли талабалар иш олиб бормоқда. Шуниси қувончлики, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаётган маслаҳатчи-талабалар хизматидан фуқаролар гоёта мамнун. Дарвоқе, келгусида институти қошида тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилувчи юридик клиника ташкил қилиш ҳам мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, талабалар аҳоли ва ўқувчиларнинг хуқуқий билимларини ошириш мақсадида фаол амалий ҳаракатлар олиб боришмоқда. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида бўлишиб, «Конституциявий билим асослари» фанидан сабоқ беришмоқда. Шунингдек, талабалар томонидан маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида қўллаб тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Яқинда институтининг хуқуқ факультети ташаббуси билан иқтидорли талабаларнинг «Фан клуби» ташкил этилди. Ушбу клуб олдинга талабаларга хуқуқий йўналишлар ҳамда инглиз, немис, француз тиллари бўйича муаммал сабоқ бериб, ҳориқдаги нуфузли олий ўқув юртиларда таълим олишлари тўғрисида асосий мақсад сифатида қўйилган. Шу билан бирга клубда замонавий компьютер технологиясини муаммал ағзаллаш, хуқуқ, интернет алоқа тизими билан ишлашни пухта ўзлаштириш имконияти ҳам мавжуд. Дарвоқе, институти қўмандот маркази интернет тизимида уланган бўлиб, талаба-ёшлар бу имкониятдан тўла фойдаланишмоқда. Санжарали ЭРҲАШЕВ

Ўзбекистон ўзининг давлат тўзимини, демократик хуқуқий жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, миллий мустакилликнинг янги арафқурасини, улуг аждодларимизнинг бой тарихий мероси пойдеворига асосланган давлат бошқаруви тўзимларини шакллантириш йўлидан собитқадамлик билан олға бормоқда. Хуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш асосий вазифалардан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида эътироф қилинган ҳалқаро нормалар асосида ва халқимиз миллий аъналарини, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари ва эркинликларини давлат ва умуман, жамият манфаатларини мустаҳкам қафолатланган тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш асосида олишмай, изчиллик билан ҳал этилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексдан хабардор бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Тахририят газетхонлар тақлифларини инобатга олиб, ушбу Кодекс моддалари билан уларни таништириб боришга жазм қилди.

1-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорли Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир. Ушбу Кодекс қондалари мазкур Кодексга қиритилмаган қонун ҳужжатларида содир эт-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

ганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир. 2-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив қўриб чиқилишини, шунингдек, бундай хуқуқбузарликларнинг

қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди. 3-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари асосланади. 4-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари

олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий хуқуқбузарлик ҳисобланганини, маъмурий хуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда

жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида куйидагилар Ўзбекистон Республикаси иштирига берилади: маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қондаларини белгилаб бериш; маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий хуқуқбу-

зарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш; маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш; вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти вакилилик органлари ҳамда ҳокимлар маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ТАЛАБА БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

унда академик лицейда ўқинг

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури зўр муваффақият ҳамда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, юзлаб ўғил-қизлар таълим тарбия олаётган академик лицейлар юқсак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшларимиз иқтидорини камол топтириш ва шакллантиришда муҳим мавқега эга бўлаётди.


Шодмонов 60 килограммлик ўртада филология фанлари доктори бўлиб, унинг қўлига киритди. Бу йилги «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида эса ўш қурашчилар биринчи ўринни эгаллашди. Академик лицей ҳаёти билан танишиш жараёнида

1998 йили Навоий Давлат педагогика институти қошида ташкил этилган академик лицей ҳам ана шу муҳим вазифани муваффақият билан адо этиб келаётган билим маканларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу ерда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Академик лицейнинг ўқув-машғулот хоналари замонавий компьютер техникалари, илгор ўқув куроллари билан жиҳозланган. Ўқувчи ёшларга кимё фанлари номзоди С.Янгибоев, ўрта-махсус касб-хунар таълими аълочиси Ш.Тошназаров, «Шуҳрат» медали совриндорлари Л.Зайниддинова, Н.Равшанов, С.Фахриддинова сингари малакали ва фидойи педагоглар сабоқ беришмоқда.



новларидан муваффақиятли ўтишди. Ўтган йилги натижалар эса бундан-да қувонарли. 144 нафар битирувчидан 127 нафари олий ўқув юртлири талабалари бўлиш бахтига эришди. Улардан Асрор Тошев ва Улуғбек Каримов инглиз тили ҳамда иқтисодий билим асослари фанлари бўйича республика олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, ўз ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртлирига имтиёзли қабул қилинди. Умуман олганда, бугунги кунда академик лицейнинг ўнлаб битирувчилари Тошкент ва Самарқанд, шунингдек, вилоятдаги нуфузли олий ўқув юртлирида тахсил олишмоқда.

шишларига катта эътибор қаратаёلمиз. Навоий академик лицейида жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам катта аҳамият қаратишмоқда. Футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шохмот, шашка, стол тенниси каби энг оммавий спорт турлари бўйича гуруҳлар мусобақалар тез-тез ташкил этилмоқда. Етарли даражада спорт анжумани билан жиҳозланган залда еттига тур бўйича тўғрақлар доимий равишда фаолият кўрсатапти.



якши бир аънаёна гувоҳ бўлди. Бу ерда ҳартада икки маротаба уюштирилаётган вилоят тез тиббий ёрдам маркази ходимлари ҳамда лицей ўқитувчилари ўртасидаги волейбол мусобақалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, академик лицей ва маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда. Талабалар ва маҳалла спортчи ёшлари ўртасидаги баскетбол, волейбол бешлашувлари оммавий тус олаёпти.

Я.САРИЕВ, К.ОЛЛОЕВОВ, «Ишонч» мухбирлари И.ХАСАНОВ олган суратлар.

ЯНА БИР АЖОЙИБ МАЖМУА

Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтида унинг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида қатор йирик ишшоотлар юзага келди. Олий ўқув юртининг кенг тармоқли спорт мажмуаси ҳам бу санага муносиб совға бўлди.

Янги спорт иншооти бир йўла 4 та теннис кортига эга. Волейбол, баскетбол, қўл тўпи мусобақалари учун эса алоҳида-алоҳида майдончалар ажратилди.

Институт босқичининг ўзида иккита спорт зали ишлатиб турибди. Уларда спортнинг кўпгина турлари бўйича машғулотлар олиб боришмоқда.

Хушxabарлар

САХНАДА ҚУВНОҚ СПЕКТАКЛАР

Ўзбекистон Давлат академик рус драма театри репертуари янги асарлар ҳисобида бойиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида қатор спектакллар сахна юзидан кўрди.

Театрнинг бадий раҳбари Владимир Шапиро режиссёрлигида тақдим қилинган мазкур спектакл ўз декорацияси ҳамда сахна безаклари билан ҳам эътиборни ўзига тортади.

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Гўзал Андижон вилояти спорт қосбоналарида давом этаётган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари қизгин паллага кирди. Спортчи ва мураббийлар учун ўта масъулиятли дамлар, майдоннинг ҳар бир бўлағида, ҳар бир очко учун шиддатли баҳслар бошланди. Бу курашларда иштирок этаётган ёшларнинг кўнгилли маданий ҳордиқ чикаришлари учун ташкилотчилар кўплай ижодий ҳамда кўнгилочар тадбирлар ташкил этишяпти.

Шу жумладан мухташам Олимпия захиралари коллежи фойеида намойиш этилган тасвирий санъат асарлари барчанинг диққатини ўзига тортиди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилган «Баркамол авлод» мамлакат келажаги тасвирий санъат асарлари кўргазмаси катта таассурот қолдирди.

нинг бош мақсади тасвирий санъат орқали ёшларимизда спортга мухаббат уйғотиш, қолаверса ижодкорларимиз иқтидорини муносиб баҳолашдан иборат. Спорт ва тасвирий санъат бири бири билан узвий боғлиқ, чуқри ҳар иккиси ҳам баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилади.



Дарҳақиқат, кўргазмада қўйилган расмларнинг ақсариятида спорт лаҳзалари акс этган. Хусусан, Асака педагогика коллежи 4- босқич талабаси Отабек Солиевнинг «Спорт - тинчлик элчиси» сурати, шу коллежнинг яна бир вакили Халим Темиров, Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежи талабаси Оминахон Яхшиеванинг лавҳалари кўпчиликка манзур бўлди. Фолиблар - Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент, Навоий вилояти вакиллари муносиб тақдирландилар.

Бундай кўргазмалар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинлари тарихида биринчи марта ўтказилаётгани билан ҳам тахсинга лойиқдир.

А. ЮНУСОВ, С. РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» махсус мухбирлари

НАТИЖАЛАР, ГОЛИБЛАР, МЕДАЛЛАР

Андижонда давом этаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида айрим турлар бўйича голиб ва совриндорлар номи аниқланди.

Стоп тенниси: Андижон компьютер технологиялари коллежи залларида стол тенниси баҳсида ниҳоятда қизиқ бўлиб ўтди. Ўғил болалар ўртасида Андижон вилояти вакили А.Хошимов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳиби бўлди.

Дил сўзлари

«УНИВЕРСИАДА»ДА ҲАМ ҚАТНАШИШ НИЯТИДАМАН

Манзура ЖАЛИЛОВА, Наманган педагогика коллежи талабаси. «Баркамол авлод» спорт ўйинларида биринчи марта иштирок эттишим. Кайфиятим аяло. Бу ердаги спорт залини кўриб, тўғриси, завқим келди. Қани энди шунақа халлар ҳамма жойда ва кўпроқ бўлсин!

Бадий гимнастика: Бу йилги мусобақалар дастуридан илк бора ўрин олган бадий гимнастика бўйича чиқишлар мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда. Олимпия захиралари коллежи манеж залида бўлиб ўтаётган ушбу гўзал спорт турини бўйича ҳам голиблар аниқланди. Снарядлар билан чиқишда тошкентлик Тания Оригина энг юқори — 35,25 балл тўлаб, олтин медални қўлга киритди. Кейинги ўринлар эса навоийлик Юлия Стрелкина ва бухоролик Кетено Қўлатбаевага насиб этди.

Сузиш: Ўтган кун ёмғир ёғиб турганлиги сабаб сузиш баҳслари бир кун кейин бошланди. 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича қизлар баҳсида мезбонлар вакили А.Якубова маррага биринчи бўлиб етиб келди: 30,5 дақиқа. Сирдарёлик А.Попова эса 2 сонияга имкониятини бой берди. Бронза медалини пойтахт вакили П.Мальцева қўлга киритди.

РИНГДА — БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР

Равшан ҚУРБОНОВ — мусобақалар ҳақими.

«Бу сафар «Баркамол авлод» ўйинлари дастуридан бокс мусобақалари ҳам жой олади. Бу эса ёш боксчилар учун тахриб мактабини ўташ билан бирга, келажақда улардан М.Абдуллаев, А.Раҳимов, Ҳ.Хайдаров каби кучли «чарм қўқоп» усталари етишиб чиқишига замин яратяпти.

Усмилрлар ўртасида А.Мартянов (Андижон) олтин, А.Городчанин (Тошкент) кумуш, С.Качко (Самарқанд) бронза медалларини қўлга киритди. 100 метрга чалқанча сузишда қизлар ўртасида А.Воронина (Фарғона) биринчи, А.Валиева (Навоий) иккинчи ва фарғоналик В.Раҳмонова учинчи бўлди. Усмилрлар ўртасида шу масофага сузишда мезбонлар вакили К. Усанов олтин, Тошкент шаҳри ва вилояти вакиллари Ю.Шербатов ва А.Смоловлар кумуш ва бронза медаллари соҳибларига айланишди.

Кураш: Хонобод шаҳар марказий ўйингоҳида ташкил этилган мусобақалар ниҳоятда қизиқ бўлди. Унда бухоролик полковлар биринчи ўринни эгаллашди. Мезбонлар эса тўртинчи ўринга қўтарилишди. Мусобақалар давом этмоқда.

Мактабгача тарбия муассасалари

КИРОЙИ БОҒЧА ШУНДАЙ БЎЛСА

айтиб, рақс ўрганамиз. — Жаҳжи болажонларимизнинг худди чемпион полковлардек, давра айлангангани курсангиз эди, деди 1-тоғфали тарбиячи Р.Рўзиева.

Мудира Дилбар Аннаева ижод беради: — Ҳар бир машғулот махсус хоналарда кўргазмали куроллар воситасида олиб борилади. Ургатиланган ҳар бир ҳолат амалиётда қўлланилгани босиб, болаларнинг хотирасидан тезда қол олади. Тарбияланувчилар 6 та ўзбек, 6

томоша қиламиз. Айниқса, 4 ёшли Элёр Сафаров, Жўрабек Юлдошев, 5 ёшли Фарангис Юсупова, 6 ёшли Серёжа Бойдақов сингари ўнлаб болажонларимизга боқиб, меҳнатимиз зое кетмаётганлигидан мамнунмиз.

Ҳа, боғчанинг Ольга Бурцова, София Жўраева, Ольга Клинова каби тахрибали тарбиячиларининг меҳнатлари ҳам доим муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда. А.Қўлатмаев, Б.Абдумажитов сингари ўнлаб ота-оналарнинг бефарз саховатлари ҳам боғчада таълим ва тарбиянинг юқсак даражага кўтарилишини таъминламоқда.

РУСТАМ ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

Болалар спорти

МУНОСИБ ВОРИСЛАР

Косон футбол мактабига тарбияланган, бир неча йил «Насаф», ҳозирги пайтда «Нефтчи» жамоасида ўйнаётган Анвар Бердиевнинг олий табақа мусобақаларида киритган тўплари сони юзтадан ошиб кетди. Мохир футболчи билан туман болалар ва ўсмилрлар спорт мактаби машғулотларида қатнашган Нурали Султонов, Ботир Қораев, Санжар Зиёевлар «Насаф» жамоасида тўп суриб, Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қилиб келишяпти.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли биринчи болалар ва ўсмилрлар спорт мактаби 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда бу ерда миллий кураш, футбол ва волейбол йўналишидаги тўғрақлар фаолият кўрсатаёпти. Ўз касбини виждонан севиб ишлаётган 11 нафар мураббийнинг фидойи меҳнати эвазига катта ютуқлар қўлга киритилаяпти. Миллий кураш бўйича Ҳазрат Бобононов, Баҳодир Бобоев, самбо бўйича Раҳмиддин Шодмонов, Ислом Жўраев, Улмас Саинов, Ислом Авезов, Нажмиддин Тўқоев, Санжар Мустафоев, Расул Остоновлар бир неча бор республика ва вилоят мусобақаларида голиблик шохсупасига кўтарилишган.

Бундан икки йил муқаддам Россиянинг Твер шаҳрида ўтказилган миллий кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида Бекзод Воситов қатнашиб, кумуш медал соҳиби бўлди. Қарши шаҳрида республика спорт мактаблари ўртасида уюштирилган мусобақада миллий курашдан 81 килограмм вазнда Мақсуд Фаизиевнинг қўли баланд келди. Айтганча, бир неча йиллар миллий кураш бўйича тарма жамоага мураббийлик қилган Шокир Тўраев ҳам шу спорт мактабидан етишиб чиққан. Дзюдо бўйича етти марта республика чемпионлигига эришган Зинура Жўраева бугунги кунда мамлакат Олимпия захиралари коллежи машғулотларида иштирок этаёпти.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги Қарори жисмоний тарбия ва спортни оммавий ҳаракатга айлантириш йўлида муҳим аҳамиятга эга, — дейди спорт мактаби директори Тўрақул Абдулхайров. — Жисмоний тарбия машғулотлари самарадорлигини ошириш, мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўриляпти.

Илм даргоҳида ёшларнинг етук, зукко, билимдон ва жисмоний бақувват бўлишлари учун ҳамма қудайликлар яратилган. Фидойи жамоа сазъ-харакати тўғрйли бюджетдан ташқари 400 минг сўм маблағ ишлаб топилди, спорт жиҳозлари сотиб олинди. Шу боис назарий ва амалий машғулотлар юқори савияда ўтказилади. Олий тоифали мураббийлар — Абдулла Абдуллаев, Абдурахмон Очилов, Ҳазрат Бобононовлар машғулотларни кизиқарли ва мазмунли ўтказишнинг таъминлаётдилар.

Фарзандлари соғлом юрт қудратлидир. Ҳар ойнинг учинчи шанбаси «Болалар спорт кўни» деб эълон қилинган. Мураббийлар кишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, болаларни спорт машғулотларига жалб этмоқдалар. Хуллас, ҳар бир ўғил-қизни ёшгидан чиниктириб бориш, спорт билан шуғулланишга кўнглириш, машғулотлар савиясини янада ошириш жамоанинг асосий мақсадига айланган.


И.ИСОМИДДИНОВ

ЖОЗИБАДОРЛИК БАХШ ЭТАДИ

Ўзбек адабиётининг буюқ даҳоси Алишер Навоий асарларининг академик нашрлари бирин-кетин чоп этилмоқда. Йигирма жилддан иборат «Асарлар Тўплами»ни нашр этиш ишлари охиридашиб қолди. Бу ноёб китобларга ишланган график расмлар ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Улуғ шоирнинг босмага тайёрланган «Ҳамса»сининг янги академик нашри саҳифалари ҳам нафис безаклардан саяқал топади.

Бундай фахрли буюртма устида таниқли расмолар Пулатхон Жалилов катта илҳом билан иш олиб бормоқда. «Ҳамса»га кирган дostonларнинг ҳар бири ўзига хос расмлар туркумини ташкил этади.

Мўйилам устасининг бу каби график асарлари бошқа қатор нашрларга ҳам жозибадорлик бахш этди.



Термиз шаҳридаги «Наргиз» мактабгача таълим муассасаси ўз бағрига 308 нафар кичкин-тоғларни олган. Боғчада болажонларни жисмонан етук, маънан баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мудира бизни аввало боғча бассейни билан таништирди. У ерда чама-си 2-3 ёшлардаги 12 нафар бола яйраб ўйнашарди. Сўнг, ёпиқ ҳавза ҳамда саунда мириқиб чўмиллаётган 4-5 ёшли болалар ҳузурда бўлди. — Исминг нима? Ешинг нечада? — суҳбатга тор-ташиб бир болақайни. — Мен, Рустам Худойбердиевман. Ешим олтида. — Боғчада ҳар кунни

нима қиласан? — Машғулотлар ўтаймиз. Уларда мен ўртоқларим билан югуришни, шашка ўйнашни, санашни, ёзишни, қўшиқ ва шеър айтишни, расм чизишни ўрганаман. — Боғча яхшими, уй? — Боғча. — Нега? — Бу ерда боғча опамлар билан шаҳарга саяхат қиламиз. Кино, концерт кўрамиз. Спорт залида футбол ўйнаб, кураш тушамиз. Муסיқа хонамизда қўшиқ

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош мухбир биринчи ўринбосари), Виктор Заверев (бош мухбир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.